O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Majburiy bepul nusxa




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 19 октябрь, № 202 (5117) Сешанба


**Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган маърузаси юзасидан хорижий давлатларнинг сиёсий ва эксперт-таҳлилий доираларида кенг муҳокамалар давом этмоқда.**

## Ўзбекистон Президенти ташаббуслари халқаро миқёсда қўллаб-қувватланмоқда

**Британия парламенти депутати Мадлен Мун**нинг таъкидлашича, Президент Ислом Каримов томонидан Афғонистон бўйича илгари сурилган таклиф-мулоҳазалар ва, айниқса, унинг "6+3" мулоқот гуруҳини ташкил этиш борасидаги ташаббуси Ўзбекистон ҳамда Буюк Британиянинг ушбу йўналишдаги манфаатлари муштарак эканлигидан далолат беради.

"Афғонистондаги халқаро ҳамжамиятнинг фаолияти муваффақиятсизлик билан тугайдиган бўлса, можарога жалб қилинган барча тарафлар, шу жумладан, қўшни давлатлар, ҳеч шубҳасиз, зарар кўради. Мен Ўзбекистон раҳбари томонидан афғон муаммосини ҳал этишда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-дипломатик воситаларни мукаммал тарзда кучайтириш зарурлиги тўғрисида билдирилган фикрга тўла қўшиламан", деди депутат.

**Франция халқаро муносабатлар институти эксперти Элиан Моссе**нинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маърузасида келтирилган мулоҳазалар Марказий Осиё минтақасини ўрганаётган ғарблик эксперт-таҳлилий гуруҳлар учун жуда қизиқарли ва фойдалидир. У, шунингдек, Ўзбекистон раҳбарининг минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги тўғрисидаги фикрлари, ҳақиқатан ҳам, Марказий Осиёда барчага маълум бўлган ва ҳозирча яширин хусусиятга эга таҳдидларнинг ечимини тинч йўл билан ҳал этишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилишини алоҳида қайд этади.

"Фақат тинч ва барқарор жамиятдагина Мингйиллик ривожланиш мақсадлари декларациясида ўз ифодасини топган кўрсаткичларга эришиш, хусусан, қашшоқлик ва ижтимоий ночорлик каби иллатларга барҳам бериш мумкин", дея ўз фикрини якунлади Элиан Моссе.

**Россия Фанлар академияси Иқтисодиёт институтининг МДҲ мамлакатлари бўйича иқтисодий тараққиёт бўлими раҳбари Елена Кузьмина**нинг фикрича, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўз маърузасида нафақат Ўзбекистонга дахлдор бўлган, балки бутун Марказий Осиё хавфсизлиги ва тараққиётининг ўта долзарб масалалари юзасидан аниқ мулоҳазаларни билдирди.

"Афғонистон билан боғлиқ қатор муаммоларни ҳал қилишнинг кўп йиллик тажрибаси уларни биргина ҳарбий йўл билан бартараф этиб бўлмасликни яққол намоён қилди. Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган "6+3" мулоқот гуруҳи, ҳақиқатан ҳам, мамлакатдаги ва шу билан бирга, Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни барқарорлаштириш масалаларини дипломатик воситалар билан ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Президент Ислом Каримовнинг жаҳон ҳамжамияти Афғонистондаги қашшоқлик муаммосини ечишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларда фаол қатнашиши зарурлиги тўғрисидаги фикри ғоятда ўринли ва тўғридир", деди, жумладан, россиялик олима.

Е. Кузьмина Ўзбекистоннинг Қирғизистондаги можароларга нисбатан босиқлик билан ёндашувини юқори баҳолади. Унинг фикрига кўра, "Бугун Қирғизистондаги этник можаро сабабларини ва ушбу қонли тўқнашувларнинг айбдорларини аниқлаш ўта муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун эса, табиийки, халқаро текширув ўтказилиши зарур".

(Давоми 2-бетда).

## ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШЛАР – ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ



***Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил иқтисодийислоҳотлар ишлаб чиқариш соҳасини ҳар жиҳатдан юксалтириш ва пировардида бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш имконини бераяпти. Ўз навбатида, бундай хайрли ишлар натижасида аҳоли турмуш фаровонлиги тобора юксалиб бораётгани қувонарлидир.***

**Модернизация**

Айниқса, Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлган саноат корхоналарининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани жойларда ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши ҳамда янги иш ўринлари яратилишига асос бўлаётир.

Наманганда фаолият кўрсатаётган "Нестле Ўзбекистон" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона фаолияти ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Бу ерда Швейцария, Швеция, Германия, Франция давлатларидан келтирилган энг сўнгги русумдаги технологик ускуналар ёрдамида тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам тобора харидоргир бўлиб бормоқда.

Шунга қарамай, корхона жамоаси доимий изланишда. Ихчам ва илғор ускуналар ёрдамида янги турдаги сифатли маҳсулотлар тайёрлаш мақсадида ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар изчил татбиқ этилаяпти. Украинадан қуруқ сут ишлаб чиқариш, Франциядан минерал сув қадоқлаш технологиялари келтирилгани бунга мисол бўла олади.

(Давоми 2-бетда).

## ЭЪТИРОФ БИЗГА ҒУРУР БАҒИШЛАДИ

***Муҳтарам Президентимиз Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригида бу йилги мавсумнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб, учта муҳим жиҳатга алоҳида эътибор қаратдилар.***

Жумладан, Юртбошимиз, аввало, қишлоқ меҳнаткашларининг юксак уюшқоқлик намунасини кўрсатиб, ишни тўғри ва оқилона ташкил этиш ҳисобидан бу йилги ҳосилни пахтачилик тарихимизда кам учрайдиган ғоят қисқа муддатда йиғиб-териб олишга эришганини мамнуният билан таъкидладилар. Дарҳақиқат, биргина туманимиз мисолида оладиган бўлсак, мавжуд 281 фермер хўжалигининг барчаси сентябрь ойидаёқ шартнома режаларини ошириб бажаргани бунинг яққол тасдиғидир.

Кўпчиликнинг эътиборини, ҳайрат ва ҳавасини уйғотадиган ютуқларимизда, биринчи галда, ҳосилдорлиги юқори, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли ғўза навлари танланиб, экин майдонларига жойлаштирилгани муҳим омил бўлди. Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институтининг Андижон филиали олимлари томонидан яратилган "Андижон-35" ва "Андижон-36" навлари шулар жумласига киради. Чунки улардан олинган тола ўзининг оппоқ ранги, пишиқлиги, технологик кўрсаткичларининг юқорилиги туфайли чет эллик қайта ишловчиларга ҳам маъқул бўлаётгани, айниқса, қувончлидир.

**Дил сўзи**

Жорий йилда, масалан, биз 29 гектар майдонда ғўзанинг "С-6524" навини ўстирган эдик. Натижада ҳар гектар ердан 40,7 центнердан пахта етиштириб, шартнома режасини 138,7 фоизга уддаладик. Жами ҳосилнинг 106 тоннаси уруғликка сотилди. Рентабеллик даражаси 43,1 фоизни ташкил этди. Шуning ҳисобига 73 миллион сўмдан зиёд даромадни қўлга киритишни мўлжаллаб турибмиз.

Шу ўринда бундай натижаларга эришишимизда ғўзани суғоришда магнит усулидан фойдаланганимиз, ҳосилни йиғиштириб олишда эса отряд тизими ташкил этилгани ҳам ўз самарасини берганини қайд этиб ўтиш зарур.

Президентимиз йўллаган табрикда биз, деҳқон ва фермерлар, барча қишлоқ меҳнаткашларининг хизматига юксак баҳо берилди. Бу эътироф бизга ғурур бағишлайди. Ана шундан руҳланиб, айни кунларда далалардаги пахтани сўнгги мисқолигача териб олиш билан бирга, келгуси йил ҳосилига пухта замин яратаяпмиз. Зеро, мўл ҳосилга пойдевор айни шу кунларда қўйилади.

**Бахтиёржон ИСМОИЛОВ,**
**Пахтаобод туманидаги «Сарвиноз парвоз» фермер хўжалиги раҳбари.**

## МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***ХОРАЗМ. Шовот туманида 200 миллион сўмлик инвестиция ҳисобига "Катқалъатекс" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилган эди.***

### Сармоя ўзини оқлади

Ўтган қисқа муддатда ушбу сармоя ўзини оқлади. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган тўқимачилик маҳсулотлари ички бозорда ўз харидорини топмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида корхонанинг 61 кишилик жамоаси томонидан 407 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказиб берилди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***НАВОИЙ. "Омад-бизнес Зарафшон" корхонасида пишиқ ғишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган 400 миллион сўмлик янги лойиҳа амалга оширилди.***

### Уй-жой қурувчилар учун қулайлик

Айни пайтда 34 киши меҳнат қилаётган корхонада хориждан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида кунига 25 минг донагача деворбоп материаллар тайёрланмоқда.

Таъкидлаш керакки, корхонанинг сифатли маҳсулотларига якка тартибда уй-жой қурувчилар ҳамда қурилиш ташкилотларидан буюртмалар кўпайиб бормоқда.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ҚАШҚАДАРЁ. "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида вилоятдаги 62 та умумтаълим мактабида компьютер синфлари ташкил этилиб, замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланди.***

### Мактаблар глобал тармоқда

"Умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш" лойиҳаси доирасида амалга оширилган ушбу хайрли тадбир рўёбига 694,4 минг АҚШ долларилик маблағ сарфланди.

Шуниси эътиборлики, компьютер синфлари интернетга уланган бўлиб, улар ёрдамида ёшларимиз бутун дунё билан боғланишлари мумкин.

**А. МУҲАММАДИЕВ.**

## ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕА

INTERNATIONAL UZBEK COTTON FAIR TASHKENT 2010

***Маълумки, Ўзбекистон жаҳон пахта бозорининг энг йирик иштирокчиларидан бири сифатида тан олинган. Бунинг исботи сифатида мамлакатимиз пахтачилик билан шуғулланадиган дунёдаги 70 дан ортиқ давлатлар орасида мазкур саноатбоп хом ашёни етиштириш бўйича олтинчи, унинг экспорти борасида учинчи ўринда эканлигини айтишимизнинг ўзи кифоя.***

Бундан ташқари, республикамиз кейинги йилларда жаҳон пахта бозорида етакчи ва ишончли ҳамкор, деган юксак мақомга эришди. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлган пахтачилик ривожига қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг натижаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўзбек пахтасининг довруғини жаҳон узра янада кенг ёйиш, янги савдо йўлакларини очиш ва чет эллик ҳамкорлар топишда, айтиш жоизки, Президентимиз ташаббуси билан анъанавий ўтказиб келинаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг аҳамияти беқиёс. Ўтган ҳафта 13-14 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси ҳамда "Сифат" маркази ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида ташкил этилган VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида 36 мамлакатнинг 300 га яқин фирма ва компаниясидан 600 нафардан ортиқ вакил иштирок этгани, улар томонидан 650 минг тоннадан ортиқ пахта толасини сотиб олиш бўйича шартнома ва битимлар тузилгани бунинг ёрқин далилидир.

Жаҳонда давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз дунё иқтисодиётининг бошқа жабҳалари қатори қишлоқ хўжалиги тармоқларига ҳам салбий таъсирини кўрсатмоқда. Бунинг оқибатида маҳсулот етиштириш ҳажми кескин пасайиб кетди. Ана шундай мураккаб шароитда юртимизда баракали ҳосил тўплангани, хусусан, пахтачиликда мисли кўрилмаган ютуқлар қўлга киритилгани диққатга сазовор. Гап шундаки, мамлакатимиз пахтакорлари ҳосилдорликни олдинги йилдагига нисбатан 4 фоизга ошириб, жами 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд саноат хом ашёсини тайёрладилар. Унинг сифат кўрсаткичлари ҳам яхшиланиб, ялпи ҳосилнинг 90 фоизи биринчи навга қабул қилингани, айниқса, эътирофга лойиқ.

**Таҳлил**

Ярмарка иштирокчилари янги ҳосилдан ишлаб чиқарилган 1200 дан ортиқ тола намуналари билан яқиндан танишдилар. Микронейри 3,5-4,9 гача бўлган 20 га яқин навдан олинган толалар оппоқ ранги, пишиқлиги ва узунлиги билан мутахассислар эътиборини қозонди.

— Биз дунёнинг деярли барча давлатларида етиштирилган пахта толаси сифатини ҳисобга олиб борамиз, — деди ярмарканинг очилиш маросимида сўзга чиққан "Cotton Outlook" халқаро агентлиги бош муҳаррири Р. Батлер. — Ўзбек пахтаси ўзининг юқори сифати билан халқаро андозаларга тўла мос келади. Шу боис унга бўлган талаб йил сайин ошиб бораяпти. Ўзбекистон эса бу эҳтиёжни тўла қондириш мақсадида тола ишлаб чиқариш даражасини барқарор сақлаб туришга эришмоқда.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда экин майдонларини кенгайтириш эвазига эмас, балки ҳосилдорликни ошириш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ҳисобига юқори натижаларга эришилмоқда. Бунда пахта етиштириш, уни қайта ишлаш, сертификатлаш, сақлаш ва етказиб беришни ўз ичига олган Ўзбекистон пахта саноатини ривожлантириш стратегияси асосида ишлар изчил амалга оширилаётгани муҳим аҳамият касб этаяпти. Бинобарин, бугунги кунда асосий майдонларда ғўзанинг юртимиз олимлари томонидан яратилган эртапишар, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга чидамли навлари парваришланади. Бундай қимматли хусусиятларга эга навлар бутунлай замонавийлаштирилган корхоналарда қайта ишланади. Унинг сифати "Сифат" маркази томонидан тойма-той кафолатланади. Чунки заводларда ишлаб чиқарилган ҳар бир тойдан намуна олиниб, тола HVI юқори технологик тизимлардан фойдаланган ҳолда текширилади.

— Биласиз, бу йил дунё бўйича пахта ҳосилининг чўғи кам бўлди, — дейди Эроннинг "Tidewater" компанияси бош директори Бекзод Атабаки. — Айни шу жиҳат ўзбек толасига нисбатан талабни янада оширди, дейдиганлар янглишади. Ўзбек толасини машҳур қилган жиҳат, энг аввало, унинг сифати. Чунки бу ерда етиштирилган пахтадан жаҳон бозорида харидоргир тола олинади. У ранги, пишиқлиги, микронейри каби толани баҳолашда қўйиладиган ўн учта талабга тўлиқ мос келади. Шу боис эронлик саноатчилар доимо ўзбек толасини сотиб олиш ҳаракатида юрадилар. Фурсатдан фойдаланиб, қимматбаҳо хом ашёни биринчи қўлдан сотиб олиш имкониятини яратиб берган мамлакатингиз раҳбариятига миннатдорлигимни изҳор қиламан.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон Президенти ташаббуслари халқаро миқёсда қўллаб-қувватланмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Париждаги Америка университети профессори Стивен Экович** Афғонистон муаммосини фақатгина ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги тўғрисида Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган ёндашувни қўллаб-қувватлади. Унинг фикрича, Ўзбекистон раҳбари тўғри таъкидлаганидек, ҳар қандай низони ҳал қилишда биргина ҳарбий ёндашувнинг ўзи нотўғридир. "Ҳарбий воситалардан фойдаланиш доимо сиёсий мақсадлар билан боғлиқ бўлади, бундай мақсадларга сиёсий ҳамда дипломатик йўллар билан эришиш мумкин. Шу ўринда иқтисодий манфаатдорликнинг ҳам мавжудлиги можарони молиявий-иқтисодий воситалар орқали ечиш мумкинлигидан далолат беради. Бу эса Афғонистондаги бугунги вазият нуқтаи назаридан, айниқса, ўринлидир. Мазкур ҳолатда манфаатларга эришиш ва уларни амалга оширишда қуролли кучлардан қандай фойдаланиш мумкин, деган ҳақли савол туғилади", дея ўз мулоҳазасини баён этади С. Экович.

Унинг сўзларига кўра, "Президент Ислом Каримов буни яхши тушунган ҳолда, Афғонистонда ишсизлик, йўқсиллик ва қашшоқликни тугатиш, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш йўлида, аввало, иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий, инфратузилмавий ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилиши зарур, деб ҳисоблаши айни муддаодир. Аҳоли ўртасида салбий қарашларнинг пайдо бўлишини олдини олиш учун бу ишлар ўта пухталик ва эҳтиёткорлик билан амалга оширилиши лозим. Ҳар бир мамлакат халқаро ҳамжамият кўмагида ўз ривожланиш суръатини белгилаб олиши керак".

Профессор С. Эковичнинг фикрича, Афғонистон билан қўшни давлатлар мазкур мамлакатда барқарорликка эришилиши жараёнида фаол қатнашишлари зарур. Зотан, бу ҳолат минтақавий хавфсизлик масалалари билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Президентининг мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштиришдан манфаатдор бўлган асосий кучларни жалб этиш мақсадида "6+2" мулоқот гуруҳини "6+3" шаклида кенгайтириш бўйича илгари сурган ташаббуси юқори баҳоланиб, унинг фаолияти юзасидан аниқ йўналишларни белгилашда БМТнинг роли диққат билан таҳлил қилиниши ва қонунийлаштирилиши керак.

Шунингдек, С. Экович "Президент Ислом Каримов мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик жамият барпо этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишга эришишда истиқлолнинг дастлабки йилларида танлаб олинган тараққиётнинг "ўзбек модели" нақадар тўғри йўл бўлганлигини ҳаётнинг ўзи исботлаётгани хусусида фахр билан гапиришга тўла ҳақлидир", дея таъкидлади.

**«Жаҳон» АА.**

# ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республикамизда толани экспорт қилиш жараёнининг узвий қисмлари ҳисобланган пахта терминаллари, транспорт инфратузилмаси ва логистика тизими яхши йўлга қўйилгани ҳам хорижликлар томонидан юксак баҳоланди. Айни пайтда умумий ҳажми 410 минг тонна толани сақлаш имкониятига эга, замонавий техникалар билан таъминланган 23 та минтақавий терминал, шунингдек, олтита бўш омбор фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг самарали хизмати туфайли толамиз ташқи савдо компаниялари билан тузилган шартномалар асосида маҳаллий ва чет эллик харидорларга ўз вақтида етказиб берилаётир. Халқаро ярмарка иштирокчилари Янгийўл туманидаги "Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги" пахта заводи, "Тошкент-Тола" терминали ва "UZTEX Tashkent" қўшма корхонасида бўлганларида, соҳада амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар самараси билан батафсил танишдилар, харидорлар учун яратиб берилган шарт-шароитлардан миннатдор эканликларини билдирдилар.

Халқаро ярмарканинг яна бир аҳамиятли жиҳати шунда бўлдики, жорий йилда унинг доирасида илк бор тўқимачилик маҳсулотлари кўргазма-савдоси ташкил этилди. Ташкилотчиларнинг айтишича, эндиликда Пахта ва тўқимачилик бўйича халқаро конференция ҳам ўтказилади. Бундан кўзланган асосий мақсад тўқимачилик соҳасида ҳам чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, тизимга жаҳоннинг илғор ютуқларини татбиқ этган ҳолда, қайта ишлаш ҳажмини муттасил ошириб боришдир.

Дарҳақиқат, юртимизда Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида ўзимизда етиштирилган хом ашёни чуқур қайта ишлаш ҳажмини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда кейинги йилларда тўқимачилик тармоғида замонавий дастгоҳлар билан қайта жиҳозланган кўплаб янги корхоналар ишга туширилди. Бугунги кунда тизимда фаолият кўрсатаётган 240 дан ортиқ корхонада йилига қарийб 400 минг тонна пахта толаси қайта ишланаётир. Устувор режага кўра, яқин келажакда ўзбек толасининг ярмидан кўпи республикамизнинг ўзида қайта ишланиши мўлжалланмоқда.

"Ўзэкспомарказ" мажмуасида мамлакатимизнинг етакчи тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан танишган чет эллик мутахассислар уларнинг сифати ва дизайнига юқори баҳо беришди. Пировардида тўқимачилик корхоналари умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспорти бўйича шартномалар имзоладилар. Унинг 100 миллион АҚШ долларидан ортиғини тайёр буюмлар ташкил қилгани қувонарлидир.

Ярмарка иштирокчиларига биржа савдоларида қатнашиш, давра суҳбатларида ҳозир бўлиш учун барча шарт-шароит яратиб берилди. Бу жараёнда нафақат пахта олди-сотдиси бўйича масалалар муҳокама қилингани, балки пахтачиликни ривожлантириш, эртапишар ва саноатбоп янги навлар яратиш, хом ашёни қайта ишлашни такомиллаштириш, тўқимачилик тармоғида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва жаҳон пахта бозоридаги нарх-наволар ҳақида илмий-амалий фикрлар ўртага ташлангани, айниқса, эътиборлидир.

Чет эллик мутахассислар таъбири билан айтганда, VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси жаҳон пахта бозоридаги муҳим воқеага айланди. Чунки ўзида дунё саноатчиларини жамлаган ушбу йирик тадбир ўта юқори савияда ташкил этилгани, шартнома ва битимларга бойлиги, долзарб мавзулардаги чиқишлар билан ажралиб туради. Зеро, Тошкент анжуманларида ўртага қўйилган масалалар ижроси нафақат ўзбек пахтачилиги ва тўқимачилиги, балки дунё саноати ривожига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ

## соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишидир

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган "Ҳуқуқий давлатда адвокатуранинг роли ва ўрни" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда бир гуруҳ адвокатлар, Адлия вазирлиги ҳузуридаги юристлар малакасини ошириш маркази ходимлари ва тингловчилари ҳамда тегишли идораларнинг вакиллари иштирок этди.*

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари Конституцияда ва Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги ҳамда "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунларда мустаҳкамланганлиги таъкидланди. Шу билан бирга, кўрсатилган қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишларга алоҳида урғу берилди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтининг шаклланиши ва ривожланишида Юртбошимизнинг ташаббуслари муҳим омил бўлиб хизмат қилиб келаётганлигини эътироф этишди. Жумладан, Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида илгари сурилган суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини оширишга йўналтирилган ғоялар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги "Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунида тўлиқ ўз аксини топди.

Дарҳақиқат, мазкур Қонунга мувофиқ, адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйиладиган талаблар кучайтирилди, уларнинг юридик соҳа бўйича камида икки йиллик иш тажрибасига эга бўлиши ва адвокатлик тузилмаларида олти ойдан кам бўлмаган муддат амалиёт ўташи лозимлиги белгилаб қўйилди, адвокатларнинг касбга оид малакасини мунтазам равишда ошириш мажбурийлиги жорий қилинди. Адвокатурани ҳалол ва касб маҳорати юқори мутахассислар билан тўлдиришни таъминлайдиган самарали лицензиялаш тизими ташкил этилди. Шунингдек, Қонунда адвокатлик тузилмалари: адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати ва юридик маслаҳатхоналарнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолият кўрсатиш тартиби аниқ белгилаб қўйилди. Қонун инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири бўлган адвокатуранинг ўз-ўзини самарали бошқарадиган марказлаштирилган тизимини ташкил этишни назарда тутади.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган Фармони асосида ташкил этилган Адвокатлар палатаси Ўзбекистон Республикаси барча адвокатларининг мажбурий аъзолигига асосланган бўлиб, унинг фаолияти адвокатларнинг корпоратив бирлигини таъминлаш, адвокатларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, адвокатлик тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, адвокатнинг касб этика қоидаларига риоя этишини таъминлаш, адвокатларни касбий тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини ташкил қилиш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий ёрдамдан эркин фойдаланиши учун шарт-шароит яратиш ва адвокатлар томонидан кўрсатилаётган юридик ёрдамнинг юқори савияда бўлишини таъминлашга йўналтирилгандир.

Шу хусусда сўз борган давра суҳбатида иштирокчилар юқорида кўрсатилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Шу билан бирга, улар адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг амалиётда тўғри қўлланилиши механизмларини янада такомиллаштириш масалаларида баҳс-мунозаралар юритдилар ҳамда ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил ва аниқ жавоб олдилар.

**Зиёда АШУРОВА.**

## Яхши хабар

***"Қўқон ёғ-мой" очиқ акциядорлик жамияти қошида ўсимлик ёғини турли бежирим идишларга қадоқлайдиган янги технологик линия ишга туширилди.***

# Илғор ускуналар афзаллиги

Умумий қиймати 172 миллион сўмлик ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши эвазига 15 та иш ўрни яратилди.

Айни пайтда жамиятда ўсимлик ёғини тозалайдиган замонавий технологияни ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. У фойдаланишга топширилгач, бир кунда 25 тоннагача ёғни тозалаш имконияти яратилади.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШЛАР — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Натижада тайёрланаётган маҳсулотлар тури кўпайиб, ишлаб чиқариш ҳажми янада ортмоқда. Айни чоғда "Нестле Ўзбекистон" тамғаси билан замонавий дизайндаги идишларга қадоқланаётган сут ва сут маҳсулотлари, болалар таомлари ва минерал сувларга талаб ошиб бораётир.

— Тайёрланаётган маҳсулотнинг рақобатбардош ва харидоргир бўлиши, энг аввало, хом ашё сифатига боғлиқ, — дейди қўшма корхонанинг сифат бўлими мутахассиси Жаҳонгир Ҳамидов. — Шу боис бу борадаги талаб жойлардаги сут қабул қилиш пунктлариданоқ қатъий қилиб қўйилган. Тегишли жиҳозларга эга лаборатория фаолияти, сут сақлаш, ташиш жараёни юқори малакали мутахассислар томонидан мунтазам назорат қилиб борилади. Мана шундай тадбирлар натижасида ўтган йили озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича республикада биринчи бўлиб халқаро ISO 22000 сертификатини олишга муваффақ бўлдик. Маҳсулотларимиз экологик меъёрларга тўлиқ жавоб бергани боис махсус халқаро стандарт сертификатини ҳам қўлга киритганмиз.



Корхонада ишлаб чиқариш жараёнининг жаҳон андозалари даражасида ташкил этилгани юксак самарадорликка эришишда муҳим омил бўлмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида жамоа аҳли истеъмолчиларга 45 миллиард 993 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари етказиб беришди. Асосий маҳсулот — бежирим пластик идишларга қадоқланган "Нестле" минерал сувларига талаб ошиши натижасида иш ҳажми ҳам ўсиб бормоқда. Эътиборли жиҳати, қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган сут ва минерал сувнинг катта қисми Марказий Осиё мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ташқи бозорга чиқарилган минерал сувнинг ўзидан корхона ғазнасига 2,1 миллион АҚШ доллари миқдорида валюта келиб тушгани бунинг тасдиғидир.

Бугун қўшма корхонада 450 нафар ходим фаолият кўрсатаётир. "Нестле Ўзбекистон" иш бошлаган дастлабки йилларда технологик линияни, асосан, хорижликлар бошқарган бўлса, эндиликда улар жилови маҳаллий ёшлар қўлида. Келгусида бундай малакали мутахассислар сафини маҳаллий ёшлар ҳисобига кенгайтириш масаласи ҳам ҳал этилди. Чунончи, корхонадан узоқда бўлмаган Ғалча қишлоғидаги хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежида Швейцария гранти ҳисобига жиҳозланган алоҳида ўқув-ишлаб чиқариш хонаси ташкил этилган бўлиб, унда ўқувчилар озиқ-овқат технологияси бўйича мутахассисликни эгалламоқдалар.

Табиийки, замонавий технология ва малакали мутахассислар билан таъминланган "Нестле Ўзбекистон" каби корхоналар эришаётган муваффақиятлар турмушимиз янада фаровонлашишида муҳим аҳамият касб этади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** технологик линия мутахассиси Эрнест Зевриев; лаборатория ходими Лола Рустамова ва сифат бўлими мутахассиси Жаҳонгир Ҳамидов.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

***Маънавий қашшоқлик шундай офатки, унга дучор бўлган инсоннинг қалбида эзгулик туйғуси завол топади. У юксак мақсадлар учун курашга, яхши ишлар йўлида хизмат қилишга ожизлик қилади. Ўз қобиғидан чиқолмай, кундалик ташвишлар билан яшашдан нарига ўтолмайди. Бировларнинг ҳақига хиёнат қилиб, фақат ўз манфаатини ўйлаш унинг ҳаёт тарзини ифодалайди. Яъни ҳар нарсадан шахсий манфаати йўлида фойдаланмоқчи бўлади. Нафс йўлида ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайди. Бу йўлнинг охири жарлик эканлигини ўйлаб ўтирмайди. Охир-оқибатда, қинғир ишларининг қийиғи ошкор бўлиб, эл-юрт олдида шармандайи-шармисор бўлади.***

# «ТАМА» ОПЕРАЦИЯСИ

Каримали Элмуродовни ҳам кўпчилик ёш, иқтидорли шифокор деб биларди. Чунки, озми-кўпми, халқ саломатлигини тиклашга, беморларнинг дарддан форич бўлишига ҳисса қўшган. Айни пайтда тиббиёт фанлари номзоди. Олим.

Унинг қилган хизматлари эътиборга олинди. Катта ишонч билдирилиб, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қашқадарё вилояти филиали директори лавозимига тайинланди.

Халқимизда "Одам оласи ичида" ёки "Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин", деган ибратли нақллар бор. К. Элмуродов ҳам айнан шундай кимсалар тоифасидан чиқиб қолди. Ўта масъулиятли лавозимга тайинланганига бир ой ҳам ўтмасдан у тамагирлик йўлини танлади. Аслида унга юклатилган юксак вазифа — вилоятда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, ушбу соҳа бўйича чиқарилган Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш, филиалга қарашли тиббиёт масканларининг фаолиятини яхшилаш, халқ саломатлигини тиклашга бор эътиборини, хизматини қаратиши лозим эди.

Аммо у ўзининг шахсий манфаатини халқ манфаатидан устун қўйди. Янги лавозимда иш бошлаган илк кунларданоқ, қандай қилиб пул ундириш, бойликка ҳирс қўйган нафсини қандай қилиб қондириш режасини туза бошлади.

Ахир кимсан, вилоят миқёсидаги даволаш муассасаси раҳбари. Шундай экан, истаган одамини ишга олиб, истамаганини вазифасидан бўшатолмайдими? "Хўш, қўлимда шундай имконият бор экан, ундан фойдаланиб қолай", деган хаёлга борди. Шундан сўнг у, биринчи навбатда, ўз таъбирича, "ёғли" вазифаларни эгаллаб турган ходимларни ишдан бўшатиш билан қўрқитиш орқали кўзлаган мақсадига эришишни ният қилди.

А.Чуетов — илмий марказнинг автосарой бошлиғи. Б. Примов эса шу автосаройда ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари тарқатувчиси бўлиб ишлайди. К. Элмуродов тамагирлик тўрини даставвал айнан уларнинг устига ташлади. Улардан эгаллаб турган вазифаларидан бўшатмаслик эвазига ҳар ойда 1000000 сўм миқдорида пора бериб туришларини талаб қилди. К. Элмуродов амалга оширган "тама" операциясининг самараси сифатида ўтган йилнинг октябрь ойи бошида А. Чуетовдан 1000000 сўм пулни пора сифатида олади.

Бу ҳаром пуллардан нафси ҳакалак отган К. Элмуродов яна жиноий ҳаракатларини давом эттириб, энди тузоғига тушганлардан ноябрь ойи учун ўзимизнинг сўм пулимизга ҳам қаноат қилмай, 1000 АҚШ доллари беришларини талаб қилади. Чунки улар — пора берувчилар октябрь ойида унинг айтганини ҳеч бир эътирозсиз бажарганлиги К. Элмуродовнинг иштаҳасини очиб юборган эди. Уларда ортиқча даромад мавжуд, қанча сўрасам ҳам беришга имконлари бор", деган хаёлга борган эди у. Хизмат вазифаларидан ажралишни истамаган А. Чуетов ва Б. Примов эса эгаллаб турган вазифаларидан бўшамаслик эвазига ноябрь ойи учун энди К. Элмуродовга 1000 АҚШ долларини пора сифатида қўшқўллаб тутқазадилар.

Ҳар нарсанинг ҳам чек-чегараси бўлади. А. Чуетов ва Б. Примовнинг қайнар хумчалари йўқки, ҳар ойда катта миқдордаги пулни бошлиқнинг қўлига индамай тутқазаверишса. Уларнинг сабр-косалари тўлиб, порахўрнинг қилмиши юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ариза билан мурожаат қилишади. Чунки К. Элмуродов декабрь ойи учун ҳам 1000 АҚШ доллари миқдорида пул беришни талаб қилаётган эди.

"Кўза кунда эмас, кунида синади", деганларидек ўтган йилнинг декабрь ойида К. Элмуродов хизмат хонасида тамагирлик йўли билан Б. Примовдан 700 АҚШ долларини пора тариқасида олган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ушланди. "Пора — 2009" операциясида тузоққа илинди.

Бошлиқнинг ўзи қинғир ишга қўл ургач, унинг қўл остида ишловчилар ҳам ундан "ўрнак" олар экан-да. Ботир Фармонов ҳам Республика шошилинч тиббий илмий маркази Қашқадарё филиалида бош ҳисобчи лавозимида ишлаб келган. У ҳам мансабдор шахс бўлган ҳолда мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиб, ўз мавқеини суиистеъмол қилиш орқали давлат ва жамият манфаатларига кўп миқдорда зарар етказган.

Масалан, у биргина Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг "Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича

## Жиноятга жазо муқаррар

нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 28-бандига риоя қилмаган ҳолда иш юритганлиги натижасида илмий марказда 2008 — 2009 йилларда жами 261 ҳолатда 5.198.400 сўм ижтимоий нафақа пуллари ортиқча тўлаб юборилишига йўл қўйган.

Буниси ҳали ҳолва экан. Ишламаган одамга маош берилмаслигини ёш бола ҳам яхши билади. Лекин олий маълумотли, катта тажрибага эга бўлган Б. Фармонов ишламаган одамларга ҳам иш ҳақи ёзиб, қандайдир мақсадларни кўзлаган ҳолда, давлат ҳисобидан уларга ҳотамтойлик кўрсатади. Яъни филиалнинг 21 нафар ходимига вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик ва меҳнат таътилида бўлган даврида иш табелларига "ишлаганликлари" кўрсатилиши оқибатида 340000 сўм ортиқча ҳисобланиб, тўлаб юборилади. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 180-моддасида интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилмаслиги аниқ қилиб кўрсатиб қўйилган. Лекин Б. Фармонов ушбу қатъий қоидани ҳам қасддан бузиб, қонун талабига амал қилмасдан "ҳайфсан" интизомий жазоси берилган 16 нафар тиббиёт ходимига 853 минг сўм рағбатлантириш пулларини ортиқча ҳисоблаб, уларга тўланишига йўл қўйган. Шунингдек, ўтган йил давомида филиалнинг 11 ходимига 2010 йилнинг 1 январь ҳолатида ойлик иш ҳақининг 40 фоизидан ошмаган ҳолда бўнак пуллари берилиши ўрнига жами 5.654.000 сўмлик кўп миқдорда ортиқча бўнак пуллари бериб юборилган.

Б. Фармонов филиалнинг молиявий йўналишида қилган хатоликлари туфайли давлат манфаатларига жами 12.045.400 сўм миқдорида моддий зарар етказилган. Б. Фармоновнинг бухгалтерия ҳисоб-китобларида қонунбузилишларига йўл қўйганлиги ва қўл остидаги ходимларнинг ишини назорат қилмаганлиги ҳамда дебитор қарзларни ундириш учун чоралар кўрмаганлиги туфайли ҳам 14.890.700 сўм миқдорида зарар етказганлиги аниқланган.

Бош ҳисобчи Б. Фармоновнинг шунчалик кўп қонунбузилишларга йўл қўйганлигига, аслида, ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки унинг бевосита раҳбари К. Элмуродов филиалдаги барча ишларга раҳбарлик қилиш ва назоратга олиш ўрнига ҳаром пул топишга муккасидан кетгач, қолган масъул лавозимни эгаллаб турганлардан нимани ҳам кутиш мумкин эди? Ахир халқимизда "қовун қовундан ранг олар", деган мақол бежиз айтилмаган. Қолаверса, К. Элмуродов ва Б. Фармоновнинг жиноий ишларини бир-бирига боғлайдиган яна бир ҳолат бор. Яъни А. Чуетов ва Б. Примов айнан бош ҳисобчига мурожаат қилишиб, филиал хазинасидан 500 минг сўмдан бўнак пули олишиб, иккаласи ўша пулни жамлаб, уни К. Элмуродовга октябрь ойида пора сифатида беришган. Лекин бу пулларни директорга пора сифатида беришларини Б. Фармоновга айтишмаган. Яна бир қизиқ ҳолат — ҳар иккала пора берувчининг ҳам 2010 йил 1 январь ҳолатига филиал бухгалтериясидан 1.579.141 сўмдан қарздорлиги бўлган. Улар буни иш ҳақлари ҳисобидан бўнак сифатида олишган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. А. Чуетов ва Б. Примов нима учун К. Элмуродовнинг талабига дарров рози бўлишган? Тўғри, улар ўз иш жойларидан ажралишдан чўчиган бўлишлари мумкин. Лекин нима учун К. Элмуродов улардан пора талаб қилган куниёқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат қилишмаган. Ўтган икки ой давомида унинг талабини қондириб келишган. Қачонки, пичоқ суякка қадалгачгина ёрдам сўраб ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилишган. Демак, ушбу жиноий жараёнларнинг иштирокчилари сифатида уларни ҳам оқлаб бўлмайди. Чунки К. Элмуродовнинг тамагирлик фаолияти газак олмасдан бу ишга чек қўйиш айнан уларнинг қўлидан келиши мумкин эди.

Девор қийшиқ бўлса, тез қулайди, деган гап бор. Бу — киши ёмон ният билан қадам ташласа, ақл-идрокига эмас, нафсига қулоқ тутса, эгри босилган қадамини орқага қайтара олмай, шармандалик ботқоғига ботиб, номи абгор бўлади, дегани. Зеро, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади. Нафс қулига айланган К. Элмуродовнинг жиноий фаолияти эса уч ойга ҳам етмасдан ошкор бўлиб, унинг оқ либосига қора доғ бўлиб тушди.

Жиноят жазосиз қолмайди. К.Элмуродов ва Б.Фармоновнинг жиноий қилмишларига одил суд ҳаққоний баҳо берди. Улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор, деб топилиб, қонуний жазосини олдилар.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Раҳбар — жамоанинг кўзгуси. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракати кўпчиликнинг назарида, эътиборида бўлади. У ҳалол, ташаббускор, интилувчан бўлса, ўша жамоада ҳамжиҳатлик, адолат муҳити барқарордир. Чунки жамоанинг барча аъзолари раҳбардан ўрнак олишга интилади. Агар бунинг акси бўлса-чи?!.

К. Элмуродов ҳам табиат берган шифокорлик иқтидорини эзгуликка сарфлаганида, раҳбар сифатида ўз жамоасини фақат яхши ишларга ундаганида, бу кўйга тушмаган, айни қирқ ёшида панжара ортида қилган қилмишига пушаймон бўлиб ўтирмаган бўлармиди...

**Раззоқ БОТИРОВ.**

## Бозорнинг ҳафта давомидаги динамикаси













| ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | СУЮЛТ. ГАЗ 1715,0 ▼ -283,1 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 КД20) 177,8 ▼ -1,3 | УН биринчи нав 520,8 ▲ +10,4 | ОМИХТА ЕМ 197,4 ▲ +3,6 |
| --- | --- | --- | --- | --- |

(Давоми. Боши 3-бетда).

| Серия рақами | Билет рақами | Ютуқ номи |
|---|---|---|
| 011398 | 091*) | "Сурхон-вело" йўл велосипеди |
| 011423 | 061*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 011433 | 016*) | 3х2 м. ҳажмли гилам (Табиат) |
| 011438 | 058*) | 3х2 м. ҳажмли гилам (Табиат) |
| 011453 | 076*) | "Ойгул" кир ювиш машинаси |
| 011464 | 012*) | 3х4 м. ҳажмли гилам (Империал) |
| 011515 | 010*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 011516 | 025*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси |
| 011533 | 055*) | "Роза" ётоқхона мебель жиҳозлари |
| 011537 | 094*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси |
| 011543 | 1-100 | "Нафис" қандили |
| 011566 | 025*) | "Сурхон-вело" йўл велосипеди |
| 011586 | 096*) | "Ойгул" кир ювиш машинаси |
| 011587 | 037*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 011592 | 022*) | "BOSS" 21-д телевизори |
| 011604 | 056*) | 4 эшикли "Оқшом" ётоқхона мебель жиҳозлари |
| 011610 | 097*) | "Mountain bike Gold" велосипеди |
| 011631 | 032*) | "Сурхон-вело" йўл велосипеди |
| 011632 | 063*) | "Mountain bike" велосипеди |
| 011701 | 066*) | 4 эшикли "Оқшом" ётоқхона мебель жиҳозлари |
| 011706 | 024*) | "Сурхон-вело" йўл велосипеди |
| 011727 | 027*) | "SINO-308" музлаткичи |
| 011737 | 092*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси |
| 011754 | 037*) | "Инола" ошхона жиҳозлари |
| 011765 | 062*) | "Mountain bike" велосипеди |
| 011767 | 1-100 | Ваза 1356 (жуфт) |
| 011775 | 035*) | "Мафтуна" горкаси |
| 011805 | 047*) | 4 эшикли "Оқшом" ётоқхона мебель жиҳозлари |
| 011878 | 086*) | Комод (ҳақиқий шпондан) |
| 011903 | 036*) | "Садаф" юмшоқ мебели |
| 011920 | 050*) | 3х5 м. ҳажмли гилам (Фортуна) |
| 011940 | 076*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 011945 | 094*) | "SINO-308" музлаткичи |
| 011957 | 079*) | "Mountain bike Gold" велосипеди |
| 011978 | 019*) | "Роза" ётоқхона мебель жиҳозлари |
| 012016 | 053*) | 3х4 м. ҳажмли гилам (Империал) |
| 012104 | 021*) | "Mountain bike Gold" велосипеди |
| 012111 | 045*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 012112 | 068*) | 3х2 м. ҳажмли гилам (Феруза-2) |
| 012114 | 076*) | "Мафтуна" горкаси |
| 012128 | 067*) | "Mountain bike" велосипеди |
| 012192 | 081*) | "Candy" GO 610 кир ювиш машинаси |
| 012214 | 014*) | "Садаф" юмшоқ мебели |

| Серия рақами | Билет рақами | Ютуқ номи |
|---|---|---|
| 012226 | 094*) | "Mountain bike" велосипеди |
| 012229 | 026*) | 3х2 м. ҳажмли гилам (Феруза-2) |
| 012250 | 095*) | "SINO BCDS 250 A" музлаткичи |
| 012267 | 031*) | "Mountain bike Gold" велосипеди |
| 012272 | 039*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси |
| 012332 | 010*) | "Сурхон-вело" йўл велосипеди |
| 012333 | 046*) | "Mountain bike Gold" велосипеди |
| 012428 | 029*) | "EPICA" 2.5 "GM Узбекистан" автомобили |
| 012483 | 025*) | 4 эшикли "Оқшом" ётоқхона мебель жиҳозлари |
| 012493 | 083*) | "BOSS" 21-д телевизори |
| 012500 | 045*) | "BOSS" 21-д телевизори |
| 012522 | 066*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси |
| 012538 | 045*) | "Роза" ётоқхона мебель жиҳозлари |
| 012567 | 088*) | "Mountain bike" велосипеди |
| 012599 | 099*) | 5 эшикли "Оқшом" ётоқхона мебель жиҳозлари |
| 012641 | 071*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси |
| 012649 | 1-100 | Ваза 1416 |
| 012655 | 021*) | "Миллан" стенкаси |
| 012676 | 1-100 | Ваза 1418 |
| 012684 | 065*) | "Садаф" юмшоқ мебели |
| 012688 | 007*) | "Mountain bike" велосипеди |
| 012698 | 062*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 012705 | 088*) | 3х4 м. ҳажмли гилам (Империал) |
| 012716 | 062*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 012721 | 023*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 012731 | 077*) | "Сурхон-вело" йўл велосипеди |
| 012738 | 037*) | "Сурхон-вело" йўл велосипеди |
| 012746 | 064*) | "ROISON" KC-25/12 кондиционери |
| 012758 | 022*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси |
| 012765 | 086*) | "Сурхон-вело" йўл велосипеди |
| 012769 | 088*) | "Candy" GO 610 кир ювиш машинаси |
| 012798 | 087*) | "Mountain bike Gold" велосипеди |
| 012845 | 048*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 012866 | 025*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 012896 | 009*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 012899 | 088*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси |
| 012904 | 086*) | "Mountain bike" велосипеди |
| 012939 | 020*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси |
| 012973 | 062*) | 3х4 м. ҳажмли гилам (Империал) |
| 013035 | 044*) | "BOSS" 21-д телевизори |
| 013067 | 060*) | "Садаф" юмшоқ мебели |
| 013115 | 1-100 | "Виктория" қандили |
| 013129 | 070*) | "Мафтуна" горкаси |

| Серия рақами | Билет рақами | Ютуқ номи |
|---|---|---|
| 013182 | 020*) | 3х2 м. ҳажмли гилам (Табиат) |
| 013226 | 039*) | 4 эшикли "Оқшом" ётоқхона мебель жиҳозлари |
| 013227 | 1-100 | Ошхона учун (интерьер) тўплам |
| 013249 | 041*) | 5 эшикли "Оқшом" ётоқхона мебель жиҳозлари |
| 013263 | 025*) | "Мафтуна" горкаси |
| 013292 | 018*) | "Mountain bike Gold" велосипеди |
| 013323 | 039*) | "Mountain bike" велосипеди |
| 013341 | 040*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси |
| 013408 | 090*) | "Мафтуна" горкаси |
| 013411 | 045*) | "Миллан" стенкаси |
| 013416 | 050*) | "ROISON" KC-25/12 кондиционери |
| 013420 | 061*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 013431 | 004*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси |
| 013442 | 1-100 | Ваза 1336 (жуфт) |
| 013466 | 096*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 013472 | 065*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси |
| 013483 | 038*) | 3х4 м. ҳажмли гилам (Хоразм-5) |
| 013493 | 020*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 013505 | 082*) | 3х5 м. ҳажмли гилам (Хоразм-5) |
| 013521 | 069*) | 3х4 м. ҳажмли гилам (Хоразм-5) |
| 013534 | 079*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 013543 | 099*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 013556 | 097*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 013590 | 068*) | "Mountain bike Gold" велосипеди |
| 013598 | 058*) | "Mountain bike" велосипеди |
| 013606 | 007*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 013613 | 092*) | 3х5 м. ҳажмли гилам (Фортуна) |
| 013620 | 054*) | "BOSS" 21-д телевизори |
| 013623 | 036*) | "Mountain bike Gold" велосипеди |
| 013635 | 046*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси |
| 013650 | 044*) | "Сурхон-вело" йўл велосипеди |
| 013659 | 064*) | Стол (тушлик) 240*120 |
| 013662 | 040*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 013678 | 076*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 013714 | 074*) | 3х4 м. ҳажмли гилам (Хоразм-5) |
| 013789 | 066*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси |
| 013792 | 010*) | 3х5 м. ҳажмли гилам (Фортуна) |
| 013795 | 029*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 013826 | 043*) | "Мадина" горкаси |
| 013865 | 020*) | "Мафтуна" горкаси |
| 013867 | 027*) | 5 эшикли "Оқшом" ётоқхона мебель жиҳозлари |
| 013933 | 049*) | "Садаф" юмшоқ мебели |
| 013975 | 082*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |

| Серия рақами | Билет рақами | Ютуқ номи |
|---|---|---|
| 013984 | 003*) | "Сурхон-вело" йўл велосипеди |
| 013989 | 014*) | "Mountain bike" велосипеди |
| 013994 | 034*) | "Mountain bike" велосипеди |
| 014021 | 029*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси |
| 014028 | 027*) | "Роза" ётоқхона мебель жиҳозлари |
| 014064 | 057*) | "Mountain bike Gold" велосипеди |
| 014074 | 026*) | "Mountain bike Gold" велосипеди |
| 014088 | 023*) | 3х4 м. ҳажмли гилам (Империал) |
| 014102 | 063*) | 4 эшикли "VERONA" ётоқхона мебель жиҳозлари |
| 014168 | 024*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси |
| 014273 | 074*) | "Mountain bike Gold" велосипеди |
| 014312 | 047*) | "Candy" CM 2106 кир ювиш машинаси |
| 014341 | 035*) | "Mountain bike Gold" велосипеди |
| 014345 | 070*) | 3х2 м. ҳажмли гилам (Табиат) |
| 014368 | 061*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 014393 | 044*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 014453 | 027*) | "Mountain bike" велосипеди |
| 014458 | 055*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 014475 | 1-100 | "Диадема" қандили |
| 014483 | 054*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси |
| 014486 | 041*) | "Mountain bike Gold" велосипеди |
| 014507 | 1-100 | "Виктория" қандили |
| 014580 | 010*) | "Candy" GO 610 кир ювиш машинаси |
| 014600 | 069*) | "Мадина" горкаси |
| 014603 | 018*) | "Мафтуна" горкаси |
| 014615 | 043*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси |
| 014651 | 022*) | "Mountain bike" велосипеди |
| 014656 | 067*) | 3х2 м. ҳажмли гилам (Феруза-2) |
| 014697 | 028*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 014703 | 068*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 014719 | 051*) | "Сурхон-вело" йўл велосипеди |
| 014743 | 100*) | "BOSS" 21-д телевизори |
| 014744 | 035*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси (электр учқунли) |
| 014779 | 027*) | "Mountain bike Gold" велосипеди |
| 014780 | 021*) | ПГ4М1464 "Веста-люкс" газ плитаси |
| 014781 | 013*) | "Mountain bike Gold" велосипеди |
| 014782 | 079*) | 3х4 м. ҳажмли гилам (Империал) |
| 014796 | 023*) | "Mountain bike" велосипеди |
| 014798 | 1-100 | "Нафис" қандили |
| 014889 | 1-100 | "Диадема" қандили |
| 014951 | 100*) | "Candy" CDD350 ST музлаткичи |

Изоҳ:-*) шу сериянинг қолган 99 та билет рақамларига 1 000 сўмдан ютуқ чиқди. Буюм ютуқли лотерея билетлари Халқ банки филиаллари томонидан экспертизага қабул қилинади ва ютуқлар экспертиза хулосасига кўра тўланади. Пул ютуқлари тўлови банк муассасалари томонидан жойида амалга оширилади.

Ютуқли билетлар ютуқлар тиражи ўтказилган кундан бошлаб 6 ой муддат ичида тўловга қабул қилинади. Мазкур муддат тугагандан сўнг ютуқли лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.

**Ҳайъат раиси — Қарши шаҳар ҳокими ўринбосари F. ПЎЛАТОВ**

**Масъул котиб — Халқ банки Пул муомаласи департаменти директори в.б. Ш. БЎРОНОВ**

# ОНА ТИЛИМИЗНИНГ БЕТАКРОР ЖОЗИБАСИ

Ўзбек тили ниҳоятда нафис, ихчам ва бой тиллардан биридир. Сўзларнинг аниқ, равшан ва оҳангдор бўлиши, уларни ўз ўрнида тўғри қўллаш эса тилимизни янада гўзал ва жозибадор қилади:



***Болалик кунларимда,***
***Уйқусиз тунларимда,***
***Кўп эртак эшитардим,***
***Сўзлаб берарди бувим.***
***Эсимда ўша дамлар,***
***Ўзи учар гиламлар,***
***Тоҳир-Зуҳра, Ёрилтош,***
***Ойни уялтирган қош...***

Қаранг, худди қўшиққа ўхшайди. Ёнгинангизда хонанда қўшиқ куйлаётгандек — ёқимли, сеҳрли, завқли бир таассурот уйғотади инсонда...

***Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,***
***Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор,***
***Бир ўлкаки, сал кўрмаса қуёш соғинар...***

Бу мисралар кишини ажиб ҳис-туйғуларга, ширин хаёлларга толдиради, беихтиёр ўйларга бериласиз. Хаёлларингизни турли хил саволлар чулғайди: у қандай ўлкаки, тупроғида олтин гулласа? Ҳеч кўрганмисиз шундай ўлкани?! У қандай ўлка эканки, қаҳратон совуқ қишларида ҳам баҳор шивирлаб турса?! У қандай ўлкаки, сал кўрмаса, ҳатто қуёш ҳам соғинса?!. Қаерда бор бундай ажойиб ўлка?!. Бундай жаннатмонанд юрт битта. У ҳам бўлса, бизнинг гўзал ва тенги йўқ ҳур Ўзбекистонимиз. Шундай ўлкада яшаётганимиздан фахр-ифтихор туямиз. Чунки она тилимиз гўзал диёримизни, келажаги буюк ўлкамизни, халқимизни ана шундай ажойиб бир тарзда, фусункор бир ҳолатда тавсифу таъриф қилишга қодир, зўр, қудратли тилдир...

**Ифтихор**

Авлоддан-авлодга мерос қоладиган асосий бойлик — тил. Она тили бор экан, Ватан бор, миллат бор. Халқнинг умр ўлчовини тил белгилайди. Дунёдаги бор гўзалликни англаш, онанинг сеҳрли алласини эшитмоқлик бахти — тил бағрида.

Ота-боболаримиз, буюк аждодларимиз бизга мерос қолдирган олий неъмат — она тилимиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди.

Шундай экан, ҳар бир ота-она фарзандларига қўшиқ, эртак, достонлар айтиб, ўз она тили учун чексиз меҳр-муҳаббат уйғотсалар, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Тилимизни соф ва покиза сақлашимиз, авайлаб-асрашимиз, эъзозлашимиз, она тилимизга садоқатли ёшларни тарбиялашимиз бизнинг — ҳар биримизнинг асосий бурчимиз бўлмоғи даркор.

**Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ,**
**филология фанлари номзоди.**



М. АМИН (ЎзА) олган сурат.

# ТОШКЕНТ ТУРНИРИ ҒОЛИБЛАРИ

***Бир ҳафта давомида пойтахтимиздаги Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортлари яна спорт ихлосмандлари билан гавжум бўлди.***

Бу ерда ташкил этилган, мукофот жамғармаси 125 минг АҚШ долларига тенг бўлган "Tashkent Challenger — 2010" халқаро турнирида мезбонлардан ташқари, Австралия, Россия, Словакия, Молдова, Беларусь, Ямайка, Хорватия, Португалия, Канада, Ҳиндистон, Исроил, Чехия сингари дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан келган ракетка усталари бош соврин учун кураш олиб боришди.

Таъкидлаш лозимки, Профессионал теннисчилар уюшмаси (АТР) ҳар йили дунёнинг қирқдан зиёд мамлакатида 160 дан ортиқ мусобақа уюштиради. Шулар орасида Андижон ва Наманганда ўтказиладиган "Фьючерс", Самарқанд, Қарши, Фарғона ҳамда Тошкент шаҳарлари мезбонлик қиладиган "Челленжер" мусобақаларининг алоҳида ўрни бор.

2008 йили пойтахтимизда уюштирилган биринчи мусобақада Хитой Тайпейидан Йен Сун Ли, ўтган йилги беллашув финалида эса кипрлик Маркос Багдатис ҳамюртимиз Денис Истоминни мағлубиятга учратиб, бош соврин билан тақдирланганди.

**Теннис**

Ўтган дам олиш кунлари финал баҳслари якунланиб, ғолиб ва совриндорлар номи маълум бўлди. Финалда люксембурглик Жилл Мюллер ва словакиялик Карл Бек ўзаро куч синашди. Икки соату қирқ беш дақиқа давом этган беллашувда 6/7, 6/4, 7/5 ҳисобида К. Бек зафар қучди.

— Ўзбекистон заминида биринчи ғалабамга эришдим, — дейди К. Бек. — Албатта, муваффақият қозонишим осон кечгани йўқ. Ж. Мюллер дунёда ўз ўрнига эга бўлган теннисчилардан бири ҳисобланади. Дастлабки сетда ютқазаётган эдим. Аммо бор тажрибамни ишга солиб, иккинчи ва учинчи сетни ўз фойдамга ҳал қилдим. Бунинг учун мени қўллаб-қувватлаб турган ишқибозларга ўз миннатдорлигимни билдираман.

Жуфтлик беллашувида Буюк Британия вакиллари Росс Хатчинс ва Жэми Мюррей зафар қучди.

Халқаро турнирнинг ёпилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими А. Тўхтаев иштирок этди.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


# Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

**қуйидаги профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов эълон қилади:**

- **Тиллар кафедраси:** ***кафедра мудири, катта ўқитувчи***
- **Молия кафедраси:** ***кафедра мудири, доцент***
- **Бошқарув кафедраси:** ***кафедра мудири***

Кафедра мудири лавозими танловида тегишли ихтисослик бўйича фан доктори ёки номзоди илмий даражасига, профессор ёки доцент илмий унвонига эга шахслар иштирок этишлари мумкин.

Доцент лавозими танловида тегишли ихтисослик бўйича илмий даража ва илмий унвонга, камида уч йиллик илмий-педагогик стажга эга, кафедра фанлари бўйича ўқув-услубий қўлланма ҳамда ўқув дастурлар муаллифи бўлган олий маълумотли шахслар қатнашиши мумкин.

Катта ўқитувчи лавозими танловида олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис), шунингдек, илмий даража ва илмий унвонга ёки камида икки йиллик илмий-педагогик стажга эга бўлган шахслар қатнашиши мумкин.

**Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**

- *ректор номига ариза;*
- *кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;*
- *дипломлар ва аттестатлар нусхалари;*
- *илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати;*
- *малака оширганлик тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари.*

***Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.***

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳ. Орипов кўчаси, 16-уй.**
**Маълумот учун телефонлар:**
**(8-371) 237-54-53, 237-53-61, 237-54-09.**

9898/1184


# ОБ-ҲАВО

**(19 октябрь)**



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғади. Кечаси 7-12 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 9-14 даража илиқ, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 9-14 даража илиқ, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 11-16, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 9-14 даража илиқ, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 12-14, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Тошкент Молия институти ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси институт қошидаги 1-сон Молия академик лицейи директори Тошниёз Аҳмедовга онаси
**Тошбиби АҲМЕДОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти директори Мирҳаким Азизовга волидаи муҳтарамаси
**Иноят АЗИЗОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси жамоаси инспекция геология-разведка ишларини бехатар олиб боришни назорат қилиш инспекцияси 1-тоифали мутахассиси Я. Эшқобуловга онаси
**УМУГУЛСИН аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси етакчи илмий ходим, юридик фанлари номзоди Фозилжон Отахоновга турмуш ўртоғи
**Лобархон ОТАХОНОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.




КЎМИР (БПК) 86,8 ▲ +34,0




ШИФЕР (1 лист) 14897 ▼ -25




ПАХТА ЁҒИ 1757,3 ▲ +54,1

Биржа нархлари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

БАРЧА ТОВАРЛАР ГУРУҲЛАРИ БЎЙИЧА КОТИРОВКАЛАР WWW.UZEX.COM САЙТИДА

Нархларнинг белгилари: ▲ - кўтарилган, ▼ - пасайган, ⁑ - ўзгармаган, + 0,0 - қанча сўмга, сўм/кг

Тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун ҳафта давомидаги ўртача нархлар UZEX.COM УзРТХБ сайтида

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 39240 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Қ. Ҳидиров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.20 Топширилди — 21.20 1 2 4 5